**Ушбу сонда:**
2 — *Ислоҳот мевалари* ОҚМАНҒИТ ЖАМОЛИ
3 — «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ
4 — МАЪНАВИЯТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
OʻZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 19 октябр, чоршанба № 170 (2011)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЗАРШУНОСГА ҚЎЛ КЕЛДИ

***Оқдарё туманидаги пахтани қайта ишлашга ихтисослашган «Янгиқўрғон» акционерлик жамияти бинолари тўлиқ қайта қурилди. Барча цехлар замонавий технологиялар асосида жиҳозланди. Натижада, корхона қуввати икки баравар ошди. Тола олиш, чигит ва момиқ ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.***

- Янги ускуналарнинг афзаллиги шундаки, улар меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради, - дейди корхона раҳбари Ваҳоб Зокиров. - Бу ускуналар кўп иш вақти талаб этмайди. Электр энергияни тежайди. Хомашёни қуритиш, узатиш, қайта ишлаш учун ўрнатилган янги линия ва қурилмалар тола чиқишини 1,5 фоизга оширади.

Корхона оқдарёлик миришкорлар етиштирган 20 минг тоннадан зиёд пахтани қайта ишлашни бошлади.



Андижон вилояти "Матлуботсавдо" акциядорлик компанияси томонидан жорий йилда бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда аҳолига жами 10,5 миллиард сўмлик савдо хизмати кўрсатилди. Шунингдек, вилоят истеъмол бозорини тўлдириш мақсадида берилган ажратмалар ўзлаштирилиб, биржа савдоларида иштирок этиб, аҳолига ўз вақтида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар етказиб берилмоқда.

Ушбу маҳсулотларнинг 24,6 фоизини тизимдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган халқ истеъмоли моллари ташкил этади.

***Суратда:* минимаркет савдо дўкони сотувчиси Мавлуда Абдуллаева.**

**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат**

*Қурултойдан-қурултойгача*

## ҚАМИШ КАПА ҚЎРҒОН БЎЛМАЙДИ

### ёхуд қуйи ташкилотлар фаолияти хусусида мулоҳазалар

Мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни, халқимиз турмуши фаровонлашаётганини, иқтисодиёт юксалаётганини, халқаро миқёсда Ватанимиз мавқеи мустаҳкамланаётганини ифтихор билан эътироф этиш керак. Бу жараёнларда касаба уюшмаларининг ҳам ўз ўрни борлиги муҳимдир. Хусусан, касаба уюшмалари қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш каби кўплаб масалаларда фаолият кўрсатмоқда. Баъзи мисолларга алоҳида тўхталиш мумкин. Касаба уюшмалари ҳисобидан ҳар йили Оролбўйи минтақасидан юзлаб меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари оромгоҳ ва сиҳатгоҳларда соғломлаштирилаяпти, олий ўқув юртлари ва коллежларнинг кам таъминланган талабаларига стипендия тайинланаяти. Самарқандда жаҳон меъёрлари ва андозаларига мос «Дельфин» ёпиқ сузиш ҳавзаси қурилди. Ўтказилаётган оммавий спорт тадбирларида минглаб меҳнаткашлар иштирок этишаяпти. Касаба уюшмаларига қарашли спорт мактабларининг тарбияланувчилари Осиё ва Жаҳон чемпионлари бўлишган. Уларнинг қатъий саъй-ҳаракатлари натижасида ўнлаб ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди. Маънавий-маърифий соҳада ҳам эътирофга лойиқ ишлар анчагина.

Амалга оширилаётган ишлар, эришилган ижобий натижалар саноғини узоқ давом эттириш мумкин. Бунга арзийдиган жиҳатлар кўп. Бироқ, жамиятдаги туб ўзгаришлар даври фаолиятни танқидий нуқтаи назардан таҳлил этишни, нуқсонларга барҳам бериб, келгуси ишлар режасини пухта ишлаб чиқишни тақозо этади. Фикримизча, ошкора ва беғараз мулоҳаза ва таклифлар умумий ишимизга фақат наф келтиради, меҳнаткашларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашади.

Юртимизда фаолиятнинг, хусусан меҳнатга оид муносабатларнинг қонуний, ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Меҳнат кодексида ва амалдаги бошқа қонунларида меҳнат муносабатлари томонларнинг, яъни иш берувчи ва ходимлар, меҳнат жамоаси ҳамда уларнинг вакиллик органларининг ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб қўйилган. Уларда кўплаб масалалар жамоа шартномалари воситасида ҳал этилиши назарда тутилган.

Қонуннинг бу талаби кўпгина жойларда оғишмай бажарилмоқда. Қонун устуворлиги деганда қонунда белгиланган мажбурият тўла-тўкис бажарилишини тушуниш керак. Меҳнат кодексининг 154-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий аҳволидан қатъий назар ходимга иш ҳақини қонунда белгиланган муддатларда тўлаши шартлиги аниқ ёзиб қўйилган. Афсуски, туманлар, вилоятлар миқёсида иш ҳақидан катта қарздорлик пайдо бўлиб қолган. Тўғри, бу борада иш олиб борилаяпти-ю иш ҳақидан қарздорликка бутунлай барҳам берилмаяпти.

Яна ҳам очиқроқ айтадиган бўлсак, бир қатор иш берувчилар жамоа шартномасини имзолаш билан ўзлари қабул қилган мажбуриятларни бажаришмаяпти. Бундай ҳолат, айниқса, иш ҳақи тўлаш, ходим ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, меҳнат муҳофазаси масалаларида яққолроқ кўринади. Фақат Самарқанд вилоятида ўтган йили ишлаб чиқариш жараёнида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар фикримизнинг далилидир. Келинг, умумлаштирилган ҳолда бўлса-да, аниқроқ фикр юритайлик. Хизмат тақозосига кўра, агросаноат мажмуи тармоғидаги кўплаб корхона ва хўжаликларда жамоа шартномаси асосида олиб борилаётган ишлар аҳволи билан танишишга тўғри келди. Унда меҳнат муҳофазасига фалон миқдорда маблағ ажратилиши ёзиб қўйилади. Лекин корхона ёки хўжалик бизнес-режасининг бирор моддасида меҳнат муҳофазасига ажратиладиган маблағ алоҳида кўрсатилмайди. Буни қандай тушуниш керак? Бундан ташқари, баъзи жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси учун ҳар бир ходим ҳисобига бир йилда ўртача, айтайлик, 2500-3000 сўм сарфланиши қайд этилган.

(Давоми 2-бетда)

## БИР ЙЎЛА ИККИТА КОРХОНА

***Тадбиркор Бахтиёр Шукуров Пахтакор шаҳрининг фойдаланилмай ётган биносида «Жиззахқоп» хусусий корхонасини ташкил этди. Ўтган йил охирларида «Ғаллабанк»нинг вилоят бўлимидан 162 миллион сўм кредит олиб, Хитойдан ускуналар келтириб ўрнатди. Натижада 70 нафар киши ўз иш ўрнига эга бўлди. Ҳозир бу ерда бир кунда 9-10 минг дона қоп ишлаб чиқарилмоқда. «Жиззахдон», «Дўстликдон», «Жомбойдон», «Зарбдор Элеватори» корхоналари асосий буюртмачилар ҳисобланади.***

Яқинда туманда иккинчи корхона иш бошлади. Германиядан ёғ ишлаб чиқарадиган асбоб-ускуналар келтирилиб ўрнатилди. Умумий қиймати 250 миллион сўмлик ана шу асбоб-ускуналар бир кеча-кундузда 100 тонна чигитни қайта ишлайди. 15 тонна ўсимлик ёғи, 50 тонна кунжара, 30 тонна шелуха ишлаб чиқариш мумкин.

Йилига 30 минг тонна чигитни қайта ишлайдиган «Жиззахёғ» корхонасида айни пайтда 60 нафар киши меҳнат қилмоқда. Корхонани барпо этишда «Ҳоким ота» масъулияти чекланган жамият ҳомийлик кўрсатди.

**Б.НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири**

## БУЮК ҲАКИМ ВОРИСЛАРИ

***Самарқанд шаҳридаги Муса Ҳайитов номидаги шаҳар марказий шифохонаси эндоскопик жарроҳлик марказига Франциянинг нуфузли даволаш масканларидан бири - Луи Пастер номидаги муниципал шифохонасидан тиббий жиҳозлар келтирилди.***

Улар ичида иккита ноёб операцион кардиомонитор аппарати ва операция жараёнларида қўлланиладиган бошқа замонавий ускуналар бор.

- Ўзбек ва француз шифокорларининг инсон саломатлиги йўлидаги ҳамкорлиги ҳар икки давлат тиббиётини ривожига салмоқли ҳисса қўшади, - деди Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият бўлими бошлиғи Пласси Жаклин. - Бизнинг ускуналаримиз ўзбек шифокорларининг ишини енгиллаштирса, бу ҳамкорлик франциялик шифокорларга Ибн Сино ворисларининг тажрибаларидан баҳраманд бўлиш имконини беради.

## НОВ ДАШТИНИНГ ТОРТИҒИ

***Нов дашти... Ўтган асрнинг саксонинчи йилларигача Чуст билан Косонсой туманлари оралиғида шу ном билан аталувчи дашт ястаниб ётган. Хўш, аслида бу ном қаердан келиб чиққан?***

Маълумки, нов - шароит мураккаблигидан бир жойдан иккинчи жойга сув олиб ўтишда ишлатиладиган қурилма. Айтишларича, бундан юз йиллар муқаддам маҳаллий бой бекор ётган мана шу саҳрони ўзлаштириш учун 50-60 газ узунликда ана шундай қурилма ясатиб, унинг кўмагида сув чиқариб саҳрони ўзлаштирмоқчи бўлган. Аммо гоҳ у, гоҳ бу сабаб билан режаси амалга ошмаган. Шу-шу саҳро кейинчалик шу ном билан аталиб қолган.

Замон ўзгариши, техника тараққиёти туфайли асрий орзулар рўёбга чиқаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бугунги кунда қудратли насослар кучи билан, ҳатто, адирликлар ва тоғ ён бағирларида ҳам деҳқончилик қилинмоқда. Жумладан, 70 йиллардан эътиборан Нов даштликларини қадамба-қадам ўзлаштиришга киришилди. Олдинига Косонсой тумани хўжаликларининг сув етиб борган қисмида кўчма бригадалар ташкил этилиб, пахта ва бошқа экинлар экилди. 1978 йилда эса ана шу кўчма бригадалар базасида «Шарқ юлдузи» номи билан жамоа хўжалиги ташкил топди.

Бир тарафи қўшни Қирғизистонга уланиб кетган хўжалик об-ҳавоси, тупроқ шароити ўзига хослиги билан мутахассисларни қизиқтириб қолди ва бу ер боғдорчилик, хусусан, токчиликни ривожлантиришга қулай, деган хулосага келинди. Шу тариқа хўжалик узил-кесил узумчиликка ихтисослаштирилди.

Ўтмишда одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куяди, деб таърифланган дашт кўкламнинг дастлабки кунларидагина чечаклар билан қопланиб, сўнгра эса яна асли ҳолига қайтиб, йил бўйи қовжираган Нов даштининг бугунги жамоли ҳар қандай кишини завқлантирмасдан қўймайди. Қаёққа қараманг, токзорлар, мевали боғлар, она-заминни гиламдек безантирган ям-яшил экинзорлар.

– Ҳозирда хўжалигимиз Косонсой туманидагига эмас, умуман Наманган вилоятидаги кўп тармоқли хўжаликлардан бирига айланган, – дейди бошқарув раиси Абдуҳаким Худойназаров. – Бугунги кунда биз пахтадан тортиб ғаллагача, узумдан тортиб турли мевагача етиштиряпмиз. Масалан, амалдаги йилда 807 тонна ғалла тайёрланиб, белгиланган режа ортиғи билан адо этилди. Икром Жўраев, Рустам Ҳайитов, Ҳабибулло Ҳалиловлар бошлиқ бригадаларда 44-46 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Раис таъкидлаганидек, фақат ғаллачилик соҳасигина эмас, ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари ҳам ривожланиб бормоқда ва тилга олса арзийдиган натижаларга эришилмоқда. Токчиликда 278 та оилавий пудрат ташкил этилган бўлиб, уларга мавжуд 443 гектар узумзор бириктиб берилган. Пудратчилар эрта баҳордан бошлаб то кеч кузгача зарур бўлган барча агротехник тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Шу кунларда хўжалик токзорларида иш ҳар қачонгидан кўра қизғин. Истиқлолнинг 14 йиллик тўйи нишонланган йилда янада юксак натижага эришишга бел боғлаган хўжалик боғбонлари бор ғайратларига ўн ғайрат қўшиб ишламоқдалар. Пудратчилар кетидан бригадалар ғалаба маррасини эгалламоқдалар. Бунда, айниқса, Абдумутал

*Йиллар ва одамлар*

Бекпўлатов, Икром Жўраев, Ҳабибулло Ҳалиловлар раҳбарлик қилишаётган бригадалар олдинда боришаяпти. Хўжаликда мана, учинчи йилдирки, пахтадан ҳам деҳқончилик қилинмоқда ва бу йўналишдаги ҳаракат ижобий самаралар бермоқда. Қувончлиси, икки йилдан бери туман миқёсида биринчилар қаторида йиллик марра эгалланмоқда.

Хўжаликка йўлимиз тушган куни Маъмура Дедабоева, Феруза Абдуллаева, Зулайҳо Ҳалилова каби илғорлар ҳамон кўплаб пахта теришаётганликларини айтишди.

Яна бир диққатга сазовор нарса шуки, токзорларда етиштирилган ҳосил шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда. Бошқачасига айтганда, хўжаликда узумни қайта ишлайдиган корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу эса, ҳосилни тайёр маҳсулот сифатида сотиш, шу тариқа даромадга барака киритиш имконини бермоқда.

– Ана шундай имкониятлар ҳисобига бу йил 360 миллион сўм даромад кўришни мўлжаллаб турибмиз, – дея суҳбатни давом эттиради хўжалик иқтисодчиси Абдуҳолиқ Отабоев. – Бу эса ишловчиларимиз, умуман, хўжалигимизда яшовчи барча аҳолини янада фаровон яшаши учун имконият яратади.

Ана шу қўлга киритиладиган даромаднинг бир қисмини кўп болали оилаларга, қаровсиз кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланмоқда. Чунончи, ўттизга яқин кам таъминланган оила, 134 нафар қаровчисини йўқотган отахон ва онахон доимо қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Улардан беш нафарининг тураржойи таъмирлаб берилди. Байрам ва ҳайит кунларида алоҳида совға-саломлар уюштирилди. Дастурхон ёзилиб кўнгиллари овланди. Кўп болалик оилаларнинг фарзандлари эса хўжалик боғчасида бепул тарбияланмоқда.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири**

## ҲОВЛИДАГИ ОЙНАВАНД ДАЛА

### даромад манбаи

***Сариосиё туманидаги "Соҳибкор" фермер хўжалиги асосан сабзавотчиликка ихтисослашган бўлиб, атиги 3 гектар ер майдонига эга. Фермер унинг 6 сотихида иссиқхона ташкил этиб, минг туп помидор, минг туп бодринг кўчатларини ўтказди. Натижа ёмон бўлмади. 7 тонна помидор, 8 тонна бодринг ҳосили олинди. Даромад 20 миллион сўмдан ошиб кетди. Шунинг 10 миллион сўми соф фойдани ташкил этди.***

Яқинда хўжалик иссиқхонага яна минг туп помидор, бодринг, 500 туп бақлажон кўчатларини ўтказди. Айни дамда ишчилар учун энг масъулиятли мавсум бошланди. Улар бугунги кунда кўчат ниҳоллар орасини юмшатиш, уларни вақтида суғориш ва бошқа ишлар билан банд. Бир сўз билан айтганда, парваришнинг авж палласи.

- Иссиқхонада помидор ва бодринг етиштириб, яхшигина даромад олдик. Бу ишга қизиқувчилар чиқиб қолди. Уларга иссиқхона қай тарзда қурилишини ўзим тушунтириб, қуриб бердим. "Эшкамол", "Алишамшир" фермер хўжаликларига 2 минг тупдан, фуқаролар Амирулло Мирзаев, Гулхўжа Жиянов, Аҳмад Меликбобоев, Абдулло Саидовларга 4 минггача помидор, бодринг, бақлажон кўчатларини сотдим. Ишлаб топилган маблағ ишчиларимизнинг ижтимоий ҳимоясига сарфланади, - дейди фермер хўжалиги раҳбари Мирҳомиддин Рўзиев. - Пешона теримиз эвазига етиштирилган ғалламиздан бир қисмини ишчиларимизга тарқатдик. Уларнинг ойлик маоши 50 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари ходимларга ҳар кун бепул иссиқ овқат, сут-қатиқ бериб борилиши таъминланган. "Пахтакор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатаяпмиз.

**Р.ДАВЛАТОВ, «Ишонч» мухбири**

*Қиш эшик қоқмоқда*

## МЕНДАН КЕТГУНЧА, ЭГАСИГА ЕТГУНЧА

***Халқимизда ёзда ёпинчиғингни ташлама, қишда ўзинг биласан, деган мақол юради. Агарда шу маънода сўз юритсак, ҳар фаслнинг ўз юмушлари-ю ташвишлари бор. Уни вақтида англаган, масъулиятни ҳис этган киши доғда қолмаслиги турган гап.***

Ўтган йили пойтахт вилоятининг Бекобод шаҳри аҳолиси куз ва қишки мавсумга пухта тайёргарлик кўргани сабабли айтарли муаммоларга дуч келишмади. Болалар боғчалари, шифохоналар, ўқув муассасалари ва энг асосийси хонадонлар иссиқлик, иссиқ ва ичимлик сувидан, электр қуввати ҳамда газ таъминотидан баҳраманд бўлишди.

Бироқ, айрим мутасадди идораларнинг масъулиятни чуқур ҳис этмаганлиги ва мавсумга тайёргарлик ишларини муддатида эплламаганлиги боис, шаҳар халқ таълими тизимидаги баъзи мактаблар, халқ хўжалигидаги корхоналар ва хонадонларга иссиқлик ҳамда иссиқ сув етказиб беришда узулишлар рўй берди.

Айниқса, шаҳар уй-жойдан фойдаланиш ширкатлар уюшмаси ҳисобидаги хонадонларда истиқомат қилувчи аҳолига амалдаги қонунларда кўзда тутилган шарт-шароитлар яратилмаганлиги учун фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди.

Қисқаси, ўтган мавсум якуни бўйича бу каби далиллар келтирилаверилса, улар жуда кўп. Муаммоларни қалаштириш билан иш битмайди ва аҳвол ҳам ўзгармаслиги тайин. Хўш, бу сабоқлар мутасадди ташкилотлар ва мутахассисларни мудроқликдан уйғотдими? Ахир, ҳадемай манаман дея қиш мавсуми эшик қоқиб турибди. Шундай экан, унга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидекми, деган ҳақли савол туғилади.

Нафсиламбирини айтганда, Бекобод шаҳри мутасаддилари камчиликларни бартараф этиш борасида анчагина саъй-ҳаракатлар қилганлиги амалга оширилган юмушларда кўринаётир. Чунончи, аҳоли истиқомат қилаётган мавжуд 464 та кўпқаватли уйларни ўзида жамлаган 22 та ширкатда томларни ёпиш, хонадонлар ертўлаларини жиҳозлаш ишлари кўнгилдагидек бораётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш турларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бўйича шаҳар ҳокимлигининг ишлаб чиққан йўриқномасига кўра, 1991 йилгача қурилган аҳоли тураржойлари босқичма-босқич давлат ҳисобидан тўла таъмирланиб борилаётир. Коммунал хизматлар таърифини асоссиз равишда оширишнинг олдини олиш ҳамда уй-жойларни асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва коммунал хўжалик корхоналарининг унумсиз харажатларини қисқартириш борасида ҳам олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ёмон натижа бермаяпти.

Шунингдек, иссиқлик манбаи ва мавжуд иситиш қозонхоналари таъмирланиб, трассалардаги узатиш линиялари махсус жиҳозланиб, мавсумга ҳозирлаб қўйилгани долзарб паллада соҳада муаммолар келиб чиқмаслигига асос бўлиши мумкин.

Қишки мавсумга тайёргарлик кўришнинг боришида барча мутасаддилар, маҳалла кенгашларининг раислари ҳам жалб этилиб, ҳар куни бажарилаётган ишлар таҳлил этиб борилади. Масалан, жорий йилда 63 та аҳоли яшаётган кўп қаватли уйлар тўла таъмирланиши режалаштирилганди. Шу кунгача махсус гуруҳнинг саъй-ҳаракати туфайли унинг 56 таси фойдаланишга топширилди. Ҳукумат томонидан ажратилган маблағнинг сарф-харажати қаттиқ назорат остига олинган.

Шаҳар уй-жойдан фойдаланиш ширкатлар уюшмаси раиси Раимжон Саидмирзаевнинг таъкидлашича тез тиббий ёрдам станцияси, шифохона ва поликлиникаларни мукаммал таъмирлаш, деразаларга ойна қўйиш, иситиш тизимини босим остида синаб кўриш ва ювиш, қайта назоратдан ўтказиш юмушлари ниҳоясига етказилмоқда.

Энди мана бу мулоҳазага эътибор қаратиш ўринли бўларди. Албатта, бажарилаётган ишлар кўламини ўтган йилнинг шу даври билан таққослаб кўрилса, уч-тўрт ҳисса ортиқ эканини мутахассислар таъкидлашмоқда. Бироқ шошма-шошарликда қилинган айрим юмушлар мендан кетгунча, эгасига етгунча, қабилида амалга оширилаётгани истеъмолчиларни ранжитмоқда.

Масалан, «Туркистон» ширкати (раиси Қобил Раҳмонов) тасаррруфидаги 50-уйда ўтган йили юқоридаги Фармондан келиб чиқиб, миллионлаб сарфланган маблағ ҳисобига хонадонлар юз фоиз таъмирланиб берилган. Шу жумладан, иссиқ ва совуқ сув қувурлари алмаштирилган. Шунга қарамай, бир мавсум ҳам ишламасдан қувурлар ёрилиб, тешилиб кетган. Боз устига, 32, 31, 33, 34, 35-уйларда йил давомида иссиқ сувдан истеъмолчилар асоссиз равишда фойдаланишмаган. Таъкидлашларича, бу масала бир неча бор тегишли мутахассисларга етказилган. Аммо ҳамон аҳвол ўзгаргани йўқ.

26-хонадонда истиқомат қилувчи З.Нигай ва 28-хонадонда яшовчи Н.Холматоваларнинг уй томлари ўтган йили таъмирдан чиқарилган бўлса-да, баҳор, куз ва қишда чакка ўтиши тўхтаган эмас. Шунингдек, электр тармоқлари идорасидаги мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида хонадонлардаги ва кўп қаватли биноларга кираверишдаги йўлакда электр симлари осилиб ётибди. Ваҳоланки, ана шу йўлаклардан ҳар куни ўнлаб болакайлар кириб чиқади. Шундай экан, бирор кўнгилсиз кор-ҳол бўлмаслигига улар кафолат берармикан?

Собиқ уй раисаси Ҳалима Хожиматованинг айтишича, ўтказилган қувурлар сифатсизлиги боис, ўз-ўзидан ёрилиб кетган. Меъёрий иссиқлик етказиб берилмаётганлиги сабаб хонадонлар умуман исимайди. Шундай бўлса-да, бунинг учун истеъмолчи белгиланган маблағни тўлаётир. Эътиборсизлик боис чиқиндилар ташиб кетилмайди...

Дарвоқе, чиқинди масаласида Бекобод шаҳрида аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган битта муаммо борки, бир неча йилдан буён уни узил-кесил ҳал этиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаётганлиги таажжубланарли. Яъни, шу кунгача шаҳардан чиқарилаётган чиқинди учун махсус жойнинг йўқлигидан шундоққина аҳоли истиқомат қилаётган кўп қаватли уйларнинг ёнбошига ағдарилаётир. Бу масала суриштирилганда, мутасаддилар янги ер ажратилаётир, дейишди. Бундай шароитда баъзи касалликлар келиб чиқмаслигига ким кафолат беради?

**А.ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири**

**Қорақалпоғистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларда Нукус туманининг ўзига хос ўрни бор. 1969 йилда ташкил этилган туманнинг ҳудуди 96 минг 750 гектар майдонни ташкил этади. 40 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган бу масканда буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг замондоши Эдигей ботир камол топган. Бугунги кунда ҳам довруғли баҳодирнинг авлод-аждодлари ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фаол қатнашмоқдалар.**

*Ислоҳот мевалари*

# ОҚМАНҒИТ ЖАМОЛИ

Туман маркази Оқманғит қўрғони йил сайин чирой очиб бормоқда. Кўркам бинолар қад кўтарган, кўчалар ободонлаштирилган. Анвойи гуллар уфурган обод маҳалла ва хонадонларда яратувчи инсонлар турмуш кечираяпти. Ҳокимлик биноси қаршисидаги шоирлар хиёбони ҳамиша гавжум. Янги турмуш қураётган йигит-қизлар, қувноқ болакайлардан тортиб бахтли кексалик гаштини сураётган отахон ва онахонлар ҳам бу ерга келиб, ҳордиқ чиқаришади.

Яқинда қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг замонавий биноси фойдаланишга топширилди. 700 дан ортиқ талаба билим олаётган илм маскани ЭВМ операторлари, гидромелиоратор ва агрономлар, зоотехник ва ҳисобчилар тайёрлайди. Ўқув юртида фермерчилик ишлари ҳам ўрганилади.

Республика бюджетидан 500 миллион сўм маблағ сарфланиб, қуриб битказилган янги коллежда кенг ва ёруғ синфхоналар, спорт ва ўқув зали, кўп сонли китоб фондига эга кутубхона, 50 ўринли ётоқхона мавжуд. Коллежнинг тикув цехида маҳаллий ёшлар касб ўрганиб, ишлаб чиқаришга йўл олишади.

Гўшт, сут маҳсулотлари, дон, шоли, сабзавот ва мева етиштиришга ихтисослашган 11 та ширкат, фермер хўжаликлари, 2 та илмий марказ ишлаб турибди. Жорий йилда нукусликлар яна бир тармоқ – пахтачиликка қўл урдилар. Минг гектар майдонда ғўза ўстирган бобо деҳқонлар давлатга 2800 тонна «оқ олтин» топшириб, мамлакатда биринчилар қаторида шартнома режасини ошириб бажардилар. Эришилган муваффақиятга «Келдер», «Она ер», «Шўртанбой» фермер хўжаликларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Айниқса, 200 гектар майдонга буғдой, 100 гектар ерга шоли эккан «Қўтанкўл» ширкат хўжалиги деҳқонлари пахтадан катта хирмон кўтариб, ўзларининг ҳақиқий қишлоқ зироатчиси эканликларини исботладилар.

Бу йил қишлоқ хўжалигидан 1 миллиард сўм соф фойда олиш режалаштирилган. Яна бир ибратли томони, нукусликлар ёпиқ ва очиқ майдонларда томчилатиб суғоришнинг Исроил технологиясини жорий этишган. 20 гектар очиқ майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнердан дон ҳосили етиштирилиб, томчилатиб суғоришнинг афзаллиги амалда исботланди. 1 гектар майдондан ўртача 700-750 минг сўмдан даромад олинаяпти.

Халқимизда «Яхши ният билан кўчат эк», деган ибратли нақл бор. Эрта кўкламда янгидан 10 гектар майдонда мевали дарахт кўчатлари ўтказилиб, боғлар 278 гектарга етказилди. Боғ ва токзорлар 153 нафар ижарачига шартнома асосида 10 йил муддатга ажратиб берилди.

Мева ва узум етиштиришга ихтисослашган М.Қалжанов бошлиқ «Науеше» фермер хўжалиги Оролбўйи туманларига мевали дарахт кўчатлари етказиб бериб, ҳар гектар майдондан 5-5,5 миллион сўмдан даромад олаяпти. Тумандаги «Саховат» фермер хўжалиги жамоаси 30 гектарлик боғ яратиб, етиштирилган маҳсулотларни кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронларга текинга тарқатмоқда. Фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Алланиёз Ўтениёзовнинг ташаббуси билан ёрдамга муҳтож қариялардан 36 нафарига тураржой қуриб берилди. Оролбўйи ёшуллиси олис овулларда болалар боғчаси, мактаб, тиббий пункт, кутубхоналар қурилишига ҳомийлик қилаяпти.

«Бандлик» дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланган. Туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳурлиман Бердиеванинг таъкидлашича, 100 нафар хотин-қиз тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Оролни қутқазиш Халқаро жамғармаси, Осиё Ривожланиш ва Тараққиёт банки томонидан ишбилармонларга имтиёзли кредитлар берилаяпти. Яқинда 35 нафар хотин-қизнинг ҳар бирига 250 минг сўмдан микрокредит ажратилди. Бизнес инкубатор орқали 17 нафар маҳаллий қизга касб ўргатилиб, сертификатлар топширилди.

Марям Мадаминова бўш ётган бинони таъмирлаб, 2 қаватли тикувчилик цехи, савдо дўкони, кафе ва тўй-томошалар залини очган эди. Марямхоннинг қўлигул чеварлари тиккан кийим-кечаклар, ошхонасида тайёрланаётган мазали таомлар, дўконидан харид қилинган халқ истеъмол моллари мижозларга манзур.

«Жайҳун» фермер хўжалиги етакчиси Тозагул Жонасбоева, «Рамил» фермер хўжалиги бошлиғи Гулора Жаҳсимуродова, «Ислом» фермер хўжалиги етакчиси Гулойим Қосжонова, аҳолига намунали савдо ва маиший хизмат кўрсатиб келаётган Ойсанам Эсқобилова, Зерихон Абдимуратова, Ойимхон Сметоваларнинг меҳнати мақтовга лойиқдир.

Шаҳар марказий касалхонаси ва поликлиникаси хизматидан аҳоли мамнун. Айитгул Турсунова ва Гулзеҳра Абулдаева каби қўли енгил шифокорлар хотин-қизлар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказиб, фуқаролар соғлиги йўлида астойдил жон куйдирмоқдалар.

Ҳудудда 1 та посёлка ва 6 та овул фуқаролар йиғини фаолият кўрсатаяпти. Тўққиз йилдан бери олий маълумотли агроном Тамара Қайипраҳмонова раислик қилаётган «Арбачи» овул фуқаролар йиғинида олиб борилаётган ишлар ибратли. Одамлар қалбига қулоқ тутиб, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш раиса ва фаолларнинг асосий мақсади.

Фуқаролар йиғини ҳудудида 1101 оила мавжуд бўлиб, 6757 киши истиқомат қилади. Тўрт элат ва миллат вакилларидан ташкил топган Нукус, Кўксув, Сомонбой, Узункўл, Хўжамовул бўлимларида 4 та мактаб, 5 та тиббиёт пункти, 2 та кутубхона, 3 та савдо маркази, 8 та тегирмон, «Ғунча» болалар боғчаси ишлаб турибди.

Йиғин котиби А.Инямминов, маслаҳатчи С.Ўтегенова, профилактика инспектори М.Сафашов, посбон Х.Реймовларнинг аҳилликда иш юритганликлари туфайли маҳалла тинч ва осойишта. Ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир бўлгани йўқ. Ўтган даврда кам таъминланган оилалар, ногирон ва қарияларга 2 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Оқманғитда яна бир маскан – «Бахтли» болалар боғчасида ўтказилаётган тадбирлар эътиборни тортади. 140 нафар кичкинтой тарбияланаётган жажжилар масканида ЮНИСЕФ дастури асосида иш олиб борилаяпти. Бу ерда ташкил этилган «Ёш ота-оналар мактаби» машғулотларида чақалоқларни кўкрак сути билан боқиш, вақтида овқатлантириш, жисмоний чиниқтириш мавзусида суҳбатлар уюштирилади. Ушбу дастур бўйича ўтказилаётган тадбирларда 280 нафар ёш оила иштирок этмоқда.

Президентимиз тумандаги «Қорақалпоқагросаноат» бирлашмасига қарашли «Қорақалпоқтомат» корхонаси далаларида бўлиб, жамоанинг Исроил технологияси бўйича экинларни томчилатиб суғориш тажрибасига юқори баҳо бердилар. Юртбошимиз ташрифидан руҳланган нукусликлар меҳнатда эришган ютуқларини янада мустаҳкамлаш учун ислоҳотлар йўлидан дадил бормоқдалар.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Чинорлар илдизидан чинорлар кўкаради,*
*Оққан дарё оқаверади...*

# БОШИ ФАЛАККА ТЕНГДИР

Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ватандошларимиз қатори Шофиркон туманидаги «Дилрабо чеварлари» хусусий фирмаси раҳбари Дилрабо Намозова ҳам «Жасорат» медали билан тақдирланганлигини эшитиб, хаёлимдан ана шундай фикрлар ўтди. Негаки, Дилрабохон олиму алломалар яшаб ўтган замин фарзанди. Шунинг учун бўлса керакки, у тақдирнинг адашган зарбасига қисматини топшириб қўймади. Ҳар қанча дард чекмасин ҳаётини тақдир ихтиёрига бермади. Кўпроқ иродасига, юрагида ёлқин мисол ёниб, уни савобли ишларга даъват этаётган ўз кучига ишонди. Умидсиз кунларда қалбидаги умид учқунини ниятларига боғлади.

– Кўҳна Шарқ дурдонаси ҳисобланмиш «Қобуснома»да шундай ҳикмат битилган, – деб сўз бошлайди у. – Ноумидликда умидвор бўл. Ноумидликни умид эшигига боғлама. Дард билан олишиб ётган дамларимда ана шу доно битиклар ҳаёт йўлимни ёритди, умидларимни қувватлантирди.

Ҳа, Дилрабо табиатан оқила қиз бўлиб, мактабни аъло баҳоларда тугатди. Нафақат ўқишда, балки тикиш-бичиш, пазандачилик, чеварликда ҳам у ҳамиша тенгдошларига ўрнак эди. Ёшлигидан деярли барча кийимларини ўзи тикар, бундан оиласидагилар, айниқса, онасининг қувончи ичига сиғмасди. Ёшлигидан доктор бўламан деб биология, химия фанларига алоҳида меҳр қўйиб ўқир, бу борадаги қўшимча адабиётларни ҳам эътибордан қолдирмасди. Шу боис у ҳеч қийналмай тест синовларидан ўтиб, аввал тиббиёт билим юрти, кейин институтга ўқишга қабул қилинди. Юрагидаги орзулари дарсга борган кунидан янада алангаланди. Энг яхши ҳаким бўлиб жонажон Шофирконига қайтиш, беморлар дардига шифо бахш этиш ниятида у ўқишдан, билимини оширишдан сира чарчамасди. Профессор-ўқитувчилар ҳам унинг ҳаракатчанлиги, билимдонлиги ва мақсади йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашди. Бу зукко қизнинг интилишларига қараб, тиббиётга оид қўшимча адабиётлар тавсия этишди.

Ҳаёт кутилмаган тасодифларга тўла. Ана шундай тасодиф туфайли Дилрабо тўшакка михланиб қолди. Оёқлари ҳаракатдан тўхтади. Шифохоналарда узоқ даволанди. Нафи тегмади. Охири Шофирконга қайтди. Ногирон сифатида номи ҳужжатларда қайд этилди. У эса соғайишига, ҳали қанчадан-қанча эзгу ишларга бош бўлишига ишонарди. Ирода кучи уни тўшакдан турғазган бўлсада, оёқлари ҳаракатсиз эди. Кун бўйи уйда ёлғиз китоб ўқиш ҳам одамни зериктирар экан. Қолаверса, бундай ўқишдан нима наф, бировга фойданг тегмаса. Аммо ўқиганлари беҳуда кетгани ҳам йўқ. Китоблардан у қийинчиликларни енгиш, руҳни қувватлантириш, иродани чиниқтириш илмини ўрганди ва шундай хулосага келди: «Тикувчи бўламан, қизларга шундай чиройли куйлаклар тикиб берайки, улар бундан ҳам гўзал бўлиб юришсин». У ўша куннинг ўзидаёқ шашт билан ишга киришди. Онасининг тикув машинасида ўзига янги фасонда жуда чиройли қилиб куйлак тикди. Хонадондагилар ишдан қайтгунларича куйлакни кийиб, бир чиройига ўн чирой қўшилиб ўтирди. Олдинига онаси ҳам куйлакни ўзи тикканига ишонмади. Тикув машинаси ёнида турган мато бўлакларини кўриб юраги таскин топди. Туғилган кунида ўғли совға қилган қимматбаҳо матони қизига берар экан, ҳеч иккиланмади, унга ишонди. Қолаверса, қанча пайтдан бери дард чекиб ётган қизининг чеҳраси бугун очилган, юзида табассум, кўзида учқун порларди. Қизалоғининг ана шу кайфияти учун она борини беришга ҳам рози эди. Дилрабо ҳамма ухлагач, секин ўрнидан турди. Аввал онасига ярашадиган фасон танлади. Кейин шошилмасдан ишга киришди. Хўрозлар тонг отаётганидан дарак берган паллада куйлак тайёр бўлди. Кечаси билан ишласа-да, унинг кайфияти чоғ, руҳи енгил эди. Отаётган тонгга қўшилиб унинг қалбидаги умид чечаклари ҳам барг ёзаётган эди-да.

Куйлак онасига қуйиб қўйгандек

# САЛОМАТЛИК СОҲИБАЛАРИ

*Ёзёвон тумани соғлиқни сақлаш бўлимида «Сиҳат-саломатлик» йили муносабати билан бир қанча хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ерда соғлом турмуш тарзи учун барча тиббиёт ходимлари ҳаракат қилмоқда.*

*Тумандаги 9 та қишлоқ врачлик пункти ва 1 та марказий лаборатория учун 40 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар харид қилинди. Буларнинг барчаси туманда истиқомат қилаётган 76 минг 100 нафар аҳоли учун хизмат қилади.*





***Суратларда: ҳамшира Хуршида Асрақулова; доя Нигора Ғозиева беморни саломатлигини текширмоқда.***

**М.ҚОДИРОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

## «КИНАП» ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Қишлоқ хўжалик техникаси ва электр энергияси тармоғини эҳтиёт қисмлар билан таъминлаб келаётган «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмаси янги натижаларни кўзлаб, маҳсулот турларини кўпайтирмоқда.

- Бозор талабига мослашмаган, харидор эҳтиёжини, дидини ҳисобга олмаган корхона бугунги кескин рақобат шароитида фаолият кўрсатиши қийин, - дейди корхона раҳбари Рустам Сатторов. - Беш юздан зиёд ишчи-хизматчимиз бор. Уларнинг туриш-турмуши корхона фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Улар самарали меҳнат қилишлари ва ишларига яраша ҳақ олишлари лозим. Шу боис, биз қўшимча равишда мактаблар учун парта, стол-стул ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Натижа эса ёмон бўлмаяпти.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси учун баъзи эҳтиёт қисмлар ҳам шу корхонада тайёрланади. Бу эса ўз самарасини бермоқда. Жумладан, ўтган йили бор-йўғи 318 минг сўм соф фойда кўрган корхона жорий йилнинг кейинги икки ойи мобайнида бу кўрсаткични 40 миллион сўмга етказди. Бундан ташқари, хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда учтўрт хилдаги электр ўлчагич асбоблари ишлаб чиқарилаётгани ҳам корхонанинг иқтисодий ўсишига кўмак бермоқда.

Яна бир янгилик. «Кинап» жамоаси тез кунда хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда икки русумдаги мотоциклларни йиғишни бошлайди. Айни пайтда корхона цехлари замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, мотоциклларнинг зарурий эҳтиёт қисмлари келтирилмоқда.

*Қурултойдан-қурултойгача*

# ҚАМИШ КАПА ҚЎРҒОН БЎЛМАЙДИ

## ёҳуд қуйи ташкилотлар фаолияти хусусида мулоҳазалар

(Боши 1-бетда)

Бу маблағ нимага етади? Махсус озиқ-овқат сифатида зарарли шароитда ишлайдиган ходимга кунига 0,5 литр сут олиб бериладиган бўлса, 3000 сўмга 30 кунга етадиган маҳсулот харид қилиш мумкин, холос. Жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзларни қўллаш, маданият ва спорт тадбирларига маблағ ажратиш хусусида ҳам шунга ўхшаш фикр айтиш мумкин.

Бундай ҳолнинг асосий сабабларидан бири жамоа шартномалари юзаки ишлаб чиқилаётганидир. Тўғрироғи, бу жараёнда томонлар ўта масъулиятсизликка йўл қўйишмоқда. Кейинги вақтларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қуйи ташкилотларга ёрдам учун жамоа шартномаларининг намунавий шаклини «Ишонч» газетасида эълон қилмоқда. Шу асосда вилоят, туман касаба уюшма қўмитаси (вакиллиги) тармоқ ташкилотлари учун жамоа шартномасининг оптимал вариантини ишлаб чиқиб, тарқатади. Лекин айрим корхоналарда, қуйи ташкилотларда уни ўз имкониятларига ёки иш хусусиятига мослаштириш учун қайта кўриб чиқишмайди. Намунавий нусхада бўш қолган жойларга номларни, рақамларни ёзиб қўйишади. Баъзилар шунга ҳам ҳафсала қилишмайди. Оқибатда мавҳум мажбуриятлар, ҳавойи кўрсаткичлар вужудга келади. Надоматлар бўлсинким, бир марта ёзилган жамоа шартномасининг матни йиллар давомида қайта-қайта айнан кўчирилаверган ҳолатларни ҳам кўрганмиз. Бундай вазиятда жамоа шартномаси лойиҳаси муҳокама қилинмайди, унинг мазмунидан жамоа аъзолари хабарсиз қолишади. Унинг бажарилиши бўйича ҳаққоний далолатнома тузилмайди, на иш берувчи, на касаба уюшма етакчиси амалда меҳнаткашларга ҳисобот бермайди. Бунга оид баённомалар, бошқа ҳужжатлар мавжуд бўлмагач, яна нима ҳам дейиш мумкин.

Иккинчи сабаб турли омиллар таъсирида касаба уюшма қуйи ташкилоти етакчисининг қўли ишдан совиб кетаётганидир. Шундай омиллар сирасига штатли етакчининг бир неча ойлаб иш ҳақи олмаётганини ёки унинг миқдори анча камлигини киритиш мумкин. Оқибатда ўзибўларчилик, масъулиятсизлик илдиз отиб, назорат бўшаштириб юборилади. Асосий ишдан ажралмаган (штатсиз) етакчилар иш берувчининг измидан чиқолмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Ходимларга ўз вақтида иш ҳақи тўланмаслиги, бу борада қарзнинг катталиги касаба уюшма аъзолик бадаллари тўланмаслигига олиб келади. Бу ёғига изоҳ шарт эмас. Ҳозир ширкат хўжаликларида иш ҳақини натура шаклида тўлаш усули қўлланилмоқда. Шу ўринда битта масалани узил-кесил ҳал қилиб олиш керак: иш ҳақи натура шаклида тўланганда касаба уюшма аъзолик бадаллари бўйича ҳисоб-китоблар қай тарзда амалга оширилади?

Фикрларимизни асосан битта тармоқ мисолида айтаётганимиздан тармоқ мутасаддилари ранжимайдилар, деган умиддамиз. Кўплаб фермер хўжаликлари, кичик корхоналар, бошқа тадбиркорлик тизимлари вужудга келиши бу соҳада жамоа ва меҳнат шартномаларини тузиш, ижросини назорат қилиш борасида ўзига хос қийинчиликлар туғдирмоқда. Бу масалада ижобий ечимга эришиш учун жойларда турли йўналишларда изланишлар давом этаяпти. Қонун доирасида амалий натижа берадиган меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилишига катта эҳтиёж бор. Тойлоқ туманидаги автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчасида содир бўлган фожеа тадбиркорлик тизимларида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий расмийлаштириш қанчалар зарурлигини кўрсатиб турибди. Бу маскан эгаси ходимни оғзаки келишув асосида ишга олган. Иш жараёнида хавфсизликни таъминлаш хаёлдан кўтарилган. Пастдарғом туманидаги қурилиш участкаларидан бирининг ишчиси Ж.Мусаев меҳнатда шикастланган. Унга нафақа тайинланган. Қурилиш участкаси инқирозга учрагач, ногиронга нафақа ким томонидан тайинланиши ҳал этилмаган. Оқдарё туманидаги Зарафшон ҚВП ҳамшираси туғруқ таътилидан қайтгач, собиқ раҳбарларнинг айби билан бошқа вақтинчалик ишга ўтказиб юборилган. Бу масалалар кейинчалик қонуний ҳал этилган. Аммо бундай ҳолатлар меҳнат муносабатларида қонун доирасидан четга чиқишлар жиддий оқибатларга олиб келишини, буларнинг олдини олиш учун барчанинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш зарурлигини кўрсатади.

Меҳнаткашлар ўз манфаатлари ифода этилиши ва рўёбга чиқарилиши, ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши умидида касаба уюшма етакчиларини сайлаб қўйишган. Бу ишончни оқлаётганлар оз эмас. Лекин ишнинг уддасидан чиқмаётганлар ҳам борлигини тан олиш керак. Баъзи бошланғич ташкилотларнинг фаолияти, мавжудлиги, таъбир жоиз бўлса, бундайроқ шамолда тўзғиб кетадиган омонат қамиш капага ўхшайди.

Ўйлаймизки, касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш орқали, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириб, мамлакатда кучли фуқаролик жамияти қурилишига, қонун устуворлиги таъминланишига ўз ҳиссасини қўшади.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Президентимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармон ва қарорлари ишбилармонларда эртанги кунга ишонч туғдираётгани барчага аён. Кузатсангиз, банк муассасаларига фермерлар ҳар қачонгидан серқатнов бўлиб қолганлар. Бундан мақсад ажратилаётган кредитлардан баҳраманд бўлиш, хўжаликни кенгайтириш, шу ҳисобга рўзғорга барака киритиш, эл-юрт корига яраш. Судлар остонасидан дадил хатлаб ўтиб, хўжалик низосида ютиб чиқиб, қадди тоғдек кўтарилган тадбиркорлар яна қанча. Бўлар-бўлмасга мулкдорларнинг ишхонаси эшигини қоқаётган «текширувчилар» энди сийраклашган...**

# ЯККА

Ўзгаришлар, янгиланишлар нафасини айниқса, Хўжаобод туман прокуратурасининг кундалик фаолиятида яққол сезиш мумкин.

Қабулхонада навбат кутиб ўтирдик. Ичкаридан Чуст дўпписини чеккасига қўндирган йигит чиқиб келди. Унинг кайфияти чоғ эди.

– «Қўлдошбой Олимов – Қурама қишлоғидан, якка тадбиркор» изоҳ берди котиба қиз. «Прокурор аралашуви билан куни кеча иш ҳақи қўлига тегди».

– Кам бўлманглар, раҳмат! – дея меҳмон қабулхонани тарк этди.

Прокурор Валижон Юнусов билан мулоқотда ҳамма нарса ойдинлашди. Йигит шахсий транспорт эгаси бўлиб, туман ҳокимлигида якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган экан. 2004 йили феврал ойида ҳудуддаги Хўжаобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига шартнома асосида транспорт хизмати кўрсатиб келган. Тайёрлов масканларидан корхонага пахта хом ашёси ташиш, бунинг эвазига иш ҳақи тўланиши шартномада белгиланган.

Бажарилган ишни ҳисоб-китоб қилишга навбат келганда, иш берувчи лафзсизлик қилади. Маблағ тақчиллигини баҳона қилиб, иш ҳақи тўлашни пайсалга солади. Оиладагилар эса маошга кўз тикишиб турипти. Бир томондан қозон қайнаши керак. Қолаверса, биринчи қўнғироқ яқинлашаяпти – болаларга кийим-бош, ўқув анжомлари харид қилиш дегандек.

Қўлдошбойнинг мурожаати бесамар кетмади. «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун ижроси бўйича текшириш ўтказилди. Тафтиш жараёнида шартнома интизоми қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Шартномада хомашёни ташиш учун келишилган иш ҳақининг тўлов муддати, устига-устак бой берилган фойдани қоплайдиган жарима ҳам белгиланмаганди.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик юзасидан прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди. Андижон вилоят хўжалик судига хусусий тадбиркор Қ.Олимовнинг манфаатини кўзлаб жавобгар Хўжаобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан 2 миллион 244 минг 767 сўмлик транспорт хизмат ҳақини ундириш тўғрисида даъво аризаси киритилди.

Хўжаобод-Шароб ҳиссадорлик жамиятининг Солпи қишлоқ ўрамида яшовчи кичик корхона мулкдори Абдуҳалим Мадраҳимов ҳақ-ҳуқуқларини чекловчи хатти-ҳаракатлар текширишда исботини топди. 2005 йил 17 январда имзоланган ўзаро шартномага кўра А.Мадраҳимов жамиятга 5 тонна миқдорида полиэтилен пленка маҳсулоти етказиб берган. Бироқ жамият ўз мажбуриятларини бажармади ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун талабларини бузди. Бошқача айтганда, тўловни бажаришдан бўйин товлади. Прокуратура ёрдами билан ушбу хўжалик низоси қонуний ечимини топди. Хўжаобод-Шароб ҳиссадорлик жамияти жавобгар, деб топилди. Прокуратура судга даъво аризаси йўллади. Унда қарздордан тадбиркорга тегишли 3 миллион 853 минг сўмлик маҳсулот ҳақи тўланиши сўралган.

Эътиборлиси, туман прокуратураси қонунбузар шахсларни жазолаш эмас, балки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, адолат мезонларига амал қилиш, фуқароларнинг эркинлигини таъминлаш, жазоларни либераллаштириш борасида ибратли фаолит юритмоқда. Фуқаро А.Отажонов прокуратурага ёзган шикоятида «Иттифоқ» ширкат хўжалигини тугатиш ва уни фермер хўжаликларига айлантириш асносида бир қатор қонунбузарликлар рўй берганлиги ҳақида хабар беради. Дарҳол Президентнинг 2004 йил 4 ноябрдаги «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармони ижроси қўлланиши ҳақида назорат тартибида текшириш олиб борилади. Масалани ўрганиш жараёнида ширкат хўжалиги билан «Сарқамиш» маҳалласи ўрамида яшовчи фуқаро М.Ахмадалиева ўртасида ижара шартномаси тузилганлиги, унга деҳқончилик қилиш учун бир гектар ер ажратилганлиги, ширкат тугатилиши муносабати билан ушбу битим ўз-ўзидан бекор бўлиши ўрнига, мазкур экинзор яшириб қолинганлиги юзага чиқади. Чунки тугатиш комиссияси томонидан ушбу майдон нима учундир «кимошди» савдосига қўйилмаган ва янги фермерлар ихтиёрига ўтказилмаган. Ҳолбуки, «Ер кодекси»нинг 36-моддасида юридик шахс, яъни ширкат тугатилгач, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши аниқ-тиниқ кўрсатилганди.

Мазкур қонунбузарлик ҳолатлари прокуратура эътиборидан четда қолмади. Ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаган тугатиш комиссияси мутасаддиларини интизомий жавобгарликка тортиш, келгусида иқтисодий ночор, паст рентабелли ширкатларни фермер хўжаликларига айлантиришда қонунийликни таъминлаш тўғрисида

мос келди. У севина-севина ишга отланаркан, ҳатто нотаниш аёллар ҳам онасини тўхтатиб куйлакни қайси чеварга тиктирганини сўрашарди. Шу-шу Дилрабога иш топилди. Кундан-кунга уни излаб келувчилар кўпайди, ҳатто шогирдликка талабгорлар ҳам чиқди. Дилрабо бундан хурсанд бўларди. Меҳнаткаш, содда, самимий қишлоқ аёллари учун арзон, чиройли, чидамли куйлаклар тикиб, уларни яна ҳам гўзал қиёфада кўришни истарди. Унинг ниятлари улуғ эди. Мақсади саховатга, савобга йўғрилган эди. Мутасадди раҳбарларга учраб, режаларини айтганда, қўлтиқтаёқда суянган, меҳнати билан ҳаётини гўзаллаштираётган бу қизнинг ниятлари уларни бефарқ қолдирмади. Уни қўллаб-қувватловчилар кўпайди. Айниқса, туман хотин-қизлар қўмитаси, ижтимоий таъминот бўлимидагилар ундан беминнат ёрдамини аяшмади. Белгиланган кредит олинди, тикув машиналари харид қилинди. Касб-ҳунар ўрганишни истаган қизлар ишга жалб этилди. Дилрабохон дастлаб тиккан куйлакларини кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ногиронларга бепул тарқатди. Сўнгра тайёр кийимлар туман бозорига харидга қўйилди. Арзон, сифатли, энг муҳими, чиройли ва замонавий куйлаклар ўша кундаёқ сотилиб кетди. Етти пирнинг бири Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг устози Моҳитобон – Хўжа Ориф ар-Ревгарий ҳазратлари зиёратгоҳлари ёнгинасида жойлашган, анчадан бери қаровсиз қолган «Моҳитобон» чойхонасини ижарага олиб, «Дилрабо чеварлари» хусусий фирмасини очиш нияти туғилди. Бу эзгу ишларига йўл очди. Улуғ авлиё пойи остонасида фирма очиб, қизларга касб-ҳунар ўргатаётган Дилрабохоннинг ташаббуси ёшлардан ҳам кўпроқ нуронийларни қувонтирди. Муборак зот қадамжолари бошланадиган бу манзилда бир вақтлар чойхона очиб, ҳатто спиртли ичимликлар савдоси йўлга қўйилганидан уларнинг дили вайрон эди. Бу биринчидан азиз авлиё руҳига ҳурматсизлик саналса, қолаверса маънавиятимизга доғ бўлиб тушаётган эди. Шу боис зиёратгоҳга ташриф буюрган отахонлар энг аввал Дилрабохоннинг хусусий корхонасига кириб чеварлар қўлидан бир пиёла чой ичиб, уларни дуо қилишарди.

Сув билан ер кўкарса дуо билан эл кўкарарди. Нуронийлар дуоси, ишдаги қатъий тартиб-интизом, ҳаракат, ташаббус бирлиги унинг номини элга танитди. Шогирдлари сони билан бирга фирманинг нуфузи ортди.

–Ҳар бир ҳудудда, жамоада шундай инсонлар бўладики, улар ўз интилиш ва ташаббускорлиги, чин инсоний фазилатлари билан атрофдагиларга ўрнак бўлиши билан бирга уларни эзгу ишларга рағбатлантириб туради, – дейди туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Мақсуда Ражабова. – Дилрабохон Намозова ана шундай фидойилардан. Ундаги журъат ва жасорат тўрт мучаси соғлом кишиларга ҳам ибрат бўлади. Уни ҳеч иккиланмай туманимизнинг фахри, десак арзийди.

Дилрабохоннинг шогирдлари бугун туманнинг барча қишлоқларида бор, десак янглишмаймиз. Унинг ғайрати, ташаббуси билан ўнлаб қизлар касб-ҳунар ўрганиб, ўз ҳаёт йўлларини топиб, катта меҳнат муваффақиятларига эришмоқдалар. Энг муҳими, кўплаб ишчи ўринлари яратилмоқда. Дилрабохон дилдаги сўнмас орзулари, қолаверса, сабр-матонат билан бу ишни уддасидан чиқа олди. Ана шундай эзгу ишлари боис у ёш бўлишига қарамай, ҳукуматимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлди.

– Ҳукуматимиз камтарона меҳнатимни юксак баҳолаб, «Жасорат» медали билан тақдирлаган экан, бу – аввало, касб-ҳунар ва ташаббусга берилган эътибор рамзидир, – дейди Дилрабохон. – Бундай ишонч ва эътибор эса зиммамга катта масъулият юклаши шубҳасиз. Зеро, Оллоҳ биз инсонларни дунёга фақат яхшиликлар қилиш, оламни гўзалликка буркаш учун яратган.

Дилрабохон ҳақ гапни айтди. Бу ёруғ оламда гул эккан гул, тикан эккан тикан олади.

**А.ҚОДИРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*«Жасорат» медали соҳиби*

# МАҒРУРДИР ИНСОН



Олтиариқ туманидаги Катпут қишлоғи аҳолиси фарзандлари янги ўқув йилини янги мактабда бошладилар. Бир неча йиллардан буён қаровсиз қолиб кетган мактаб биноси Фарғона-Қўқон катта автомобил йўли ёқасида жойлашган.



Капитал таъмирдан чиқарилган 315 ўринли янги 11-умумтаълим мактабининг ўзига хос кўриниши ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Янги мактаб биноси замонавий кўринишга ҳамоҳанг бўлган энг қулай ўқув, лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва мебеллар туркуми билан жиҳозланган. Чунки, қулай шароитларда таълим олган ёшларнинг дунёқараши ва билим савияси шароитга мос, чуқур ва мустаҳкам бўлади.

***Суратларда: Олтиариқ тумани Катпут қишлоғида жойлашган 11-умумтаълим мактабининг умумий кўриниши; дарс пайти***

**М.ҚОДИРОВ**
**олган суратлар**

*Бор бўл, оқибат!*

# БОЛАЛАР БОҒЧАСИГА

## саховатпеша мадади

***Дўстлик туманида саховатпеша тадбиркорлар кўплаб топилади. Масалан, «Машъал» фермер хўжалиги раҳбари Омонбой Абдуллаев ўз маблағи ҳисобидан «Баҳор» болалар боғчасига 3 миллион сўмлик жиҳоз олиб берди. «Юлдуз» фермер хўжалиги раиси Юлдузхон Холматова ўз даромадидан мактаб таъмири учун 500 минг сўм, болалар спортини ривожлантириш жамғармасига бир миллион сўм маблағ ўтказибди.***

Бу борада айниқса, Мурод Абдувосиев номли агрохизмат маркази ҳудудида жойлашган «Сардор-1» фермер хўжалигининг саховати катта бўлаётир. Фермернинг саъй-ҳаракати билан туман фуқаролик ҳолатлари ёзувини қайд қилиш бўлими қошида «Бахт уйи» қуриб, ишга туширилди. 10 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Бу ерда тантаналар зали, келин-куёв либослари дўкони мавжуд. Энг қувонарлиси, мўъжазгина китоб дўкони ҳам бор. Унда оила, ота-она бўлишлик бахти, тиббиёт соҳалари ва бошқа турли бадиий, ижтимоий китоблар мужассам.

«Сардор-1» фермер хўжалигига Очил Бойқулов раҳбарлик қилади. 60 гектар ерда пахта, 30 гектар ерда ғалла етиштириляпти. Ғалла ҳосилдорлиги 60 центнерга етказилди. Ортиқча ғалла ишчиларга берилди. Пахтадан ҳам юқори ҳосил етиштирилди. Ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» саранжомлаб олинди. Биргина ўтган йили 18 миллион сўм соф фойда кўрилди. Бу йилги даромад 20 миллион сўмдан ошиши кўзда тутиляпти.

- Хўжалигимизни 1995 йили ташкил этганмиз, – дейди фермер. – Ўтган йиллар мобайнида анча оёққа туриб олдик. Барча техника воситаларига эга бўлдик. Енгил машинамиз ҳам бор. Кейинги 2-3 йилдан буён даромадимиз ҳисобидан хайр-саховат ва қурилиш ишлари қилаяпмиз.

Фермер бу йил қишлоғидаги 4 та кам таъминланган оиланинг ҳар бирига 500 килодан буғдой тарқатди. Икки нафар ишчисининг никоҳ тўйини ўзи бош бўлиб ўтказиб берди. Ишчиларнинг мазмунли меҳнатидан сўнг мароқли дам олишлари учун дала бошида мўъжазгина дала шийпони барпо этилди. Бу ерда барча шарт-шароитлар муҳайё. Шийпон атрофида тераксзор бунёд қилинган.

Фермер хўжалиги қошида ёрдамчи хўжалик ҳам ташкил қилинган. 50 бош қўй, 3 бош соғин сигир бор. Ишчиларга ҳар куни бепул иссиқ овқат берилмоқда.

**Н.БЎРИЕВ**

# БУЙРУҚ ҚОНУНИЙМИ?

**Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради**

*«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси*

***Савол: Муассасага янги раҳбар тайинланди ва у барча ходимлар билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш тўғрисида буйруқ чиқарди.***

***Ходимларнинг аксарияти кўп йиллардан буён шу муассасада ишлаб келишади ва улар билан меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган.***

***Муассаса раҳбарининг ходимлар билан муддатли меҳнат шартномаси (масалан, бир йилга) тузиш тўғрисида чиқарган буйруғи қонунийми?***

**З.БЕГАЛИЕВ,**
**И.АШУРОВА,**
**Тошкент шаҳри**

**Жавоб:** меҳнат шартномаси ходимлар билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-76-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда тузилмоғи зарур.

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва у иш берувчига ҳамда ишга қабул қилинаётган шахсга сақлаш учун топширилади.

Меҳнат шартномасининг намунавий шакли Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган. Иш берувчи ва ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассислар меҳнат шартномасини тузиш ва имзолашда, албатта, ишга кирувчилар иштирок қилиши ва уларга меҳнат шартномасининг ҳар бир бандини тушунтириб беришлари шарт. Ишга кирувчилар ҳам ўз навбатида меҳнат шартномасини тўлиқ ўқиб чиқиб, ундан кейингина имзо қўйиши керак. Агар меҳнат шартномасида қонунга тўғри келмайдиган ёки ходимнинг меҳнат муносабатларига тўғри келмайдиган ҳолда тузилган бўлса, у ўз сўзини иш берувчига айтишига, ҳатто меҳнат шартномасига имзо қўймасликка ҳақли.

Меҳнат шартномаси ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланади ҳамда мансабдор шахснинг имзоси, муассаса муҳри билан тасдиқланади.

Меҳнат қонунчилигига асосан меҳнат шартномасининг муддати уч хил бўлади. Меҳнат шартномалари:

а) номуайян муддатга (муддатсиз);

б) беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга;

в) муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Меҳнат Кодексининг 76-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майдаги қонунига асосан муддатли меҳнат шартномалари:

– бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда;

– корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан;

– қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Демак, қонуннинг талаби, ҳатто Меҳнат кодексининг 76-моддаси сарлавҳаси шуни кўрсатадики, доимий бўш бўлган лавозимга муддатли меҳнат шартномаси тузган ҳолда ходимни ишга қабул қилиб бўлмайди.

Иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи чекланган. Вақтинчалик ишда бўлмаган (таътилда бўлиши, вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва бошқа сабабларга кўра) ходимнинг ўрнига ишга қабул қилинганда ҳамда ишга кирувчи ходимнинг аризасига биноан ва юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолларда гина ходим билан беш йилгача бўлган муддатли меҳнат шартномаси тузилиши мумкин. Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас. Агар кўрсатиб ўтилган талаблар бажарилмаса, Меҳнат кодексининг 5-моддасига асосан тузилган меҳнат шартномалари ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Буни ҳар бир иш берувчи яхши билиши зарур.

Муассаса раҳбарлари, ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассисларнинг Меҳнат қонунчилигини яхши ўзлаштирмаганликлари туфайли амалиётда ходимларни ишга қабул қилишда ва иш давомида қонунга риоя қилинмаган ҳолда номуайян меҳнат шартномаси ўрнига муддатли меҳнат шартномаси тузадилар. Бу иш берувчи учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишнинг энг осон усули ҳисобланади.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати тугаши муносабати билан Меҳнат кодексининг 105-моддаси асосида у вазифасидан озод қилинади.

Ҳар бир ходим ҳам ўз ҳуқуқий билимини ошириб бориши зарур. Ходим меҳнат шартномасига, ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ билан танишиб имзо чекишдан олдин, албатта, бу ҳужжатларнинг қонунийлигига, ўзининг талаблари инобатга олинганлигига эътибор бериши зарур.

Агар муддатли меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 75-76-моддалари талабларига зид ва ходимнинг ёзма розилигисиз тузилиб, у билан тузилган меҳнат шартномаси муддати тугаши муносабати билан бекор қилинса, ходимнинг аризасига мувофиқ иш берувчининг ўзи ёки меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан унинг мажбуран бекор юрган кунларига ўртача иш ҳақи тўлаш шарти билан у ўз вазифасига ишга тикланиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 9-моддасига асосан касаба уюшмалари меҳнат муносабатларига оид шартнома, буйруқларнинг қонунийлигини доимий назорат қилиб бориш ҳуқуқига эгадир.

Иш бреувчиларга қуйидагиларни эслатиб қўйишни жоиз деб биламиз: Меҳнат кодексининг 274-моддасига асосан суд ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишда ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига ана шу ходимга етказилган зарар ўрнини қоплаш мажбуриятини юклаши ҳам мумкин.

# ЯНГИ ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Марғилон ва Қўқон шаҳарлари тиббиёт масканларига янги замонавий тиббий жиҳозлар топширилди. Улар туғуруқ мажмуалари, болалар шифохоналари ҳамда поликлиникаларга ўрнатилди.

Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар, айниқса Сиҳат-саломатлик йилида жойларда ўз самарасини бермоқда. Табиийки, аҳоли саломатлиги йўлида амалга оширилаётган бу ишларда замонавий тиббий жиҳозларнинг алоҳида ўрни бор. Шунинг учун ҳам, бутун мамлакатимизда бўлганидек, Марғилон ва Қўқон шаҳарлари тиббиёт масканларида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган ушбу тиббий жиҳозлар ҳам ана шу эътиборнинг яна бир амалий кўринишидир. Марғилон шаҳрида бўлиб ўтган тақдимот маросимида сўзга чиққанлар ана шундай ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирдилар.

Шунингдек, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси вакиллари Марғилон шаҳрига Германия элчихонаси томонидан юборилган дори-дармонларни ҳам топширди.

**(ЎзА)**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

# ТАДБИРКОР ҲАҚИ

## ундириб берилди

Назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний ёндошувларига барҳам бериш, уларнинг эркинлиги ва мустақиллигини ҳуқуқий кафолатлаш туман прокуратурасининг диққат-марказида турибди. Бу ҳақда прокурор В.Юнусов шундай дейди:

– Жорий йилдан бошлаб тадбиркорликни ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштиришга қаратилган Президентимиз томондан қабул қилинган қарор, Фармонлари кичик ва ўрта бизнеснинг эмин-эркин фаолият юритишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузасида бу масалага алоҳида тўхталди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган молиявий, маъмурий жарималарни қўллашни камайтириш, муҳими, ишбилармон амалиётига худа-беҳуда аралашишни чеклаш тизимини жорий қилиниши айни муддао бўлди. Ушбу йўналиш бўйича туман прокуратураси изчил ҳаракат қилмоқда. 2005 йилнинг ўтган даврида 31 та текшириш ўтказилди, ноқонуний қарорларга нисбатан 32 та протест келтирилди, йўл қўйилган ғайриқонуний ҳолатларнинг олдини олиш учун тақдимномалар киритилди. 28 нафар мансабдор шахслар огоҳлантирилди. 137 киши маъмурий жазога тортилиб, 7 киши устидан жиноий иш қўзғатилди.

туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

Афсуски, тадбиркорлик ишини ғаразли мақсадларда текшириш, «тирноқ остидан кир қидириш» кайфияти билан уларнинг йўлига ғов-тўсиқлар қўйиш ҳолатлари Хўжаобод Давлат солиқ инспекцияси фаолиятида учраб турибди. Масалан, 2004 йил 21 декабр куни инспекция ходимларидан Ш.Тожиматов «DSR-MIRZO» хусусий фирмасида текшириш ўтказади. Якун пайтда фирмага солиқ ва тўловлардан 700 сўм камомад борлиги ҳақида айтиб қўйилади ва минг сўм миқдорида молиявий жарима солинади. Ваҳоланки, фирманинг 1 миллион 147 минг 34 сўмлик бюджетдан ортиқча тўлови бўлган. Ш.Тожиматов эса бу ҳақда фирма мутасаддиларининг эътирозларини эшитишни ҳам истамаган. Ҳолбуки, Солиқ Кодексининг 133-моддасида солиқ ва йиғимларнинг ортиқча тўлови мавжуд бўлса, боқимандаликни ўрни қопланса, тўловларни бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилиниши кўзда тутилган. Прокуратура солиқчилар томонидан содир этилган юқоридаги қонунбузарликни бартараф этиш юзасидан молиявий жазони бекор қилиш тўғрисида инспекцияга протест киритди ва тадбиркорнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлади.

Ҳайратланарлиси, тадбиркорлик субъектларининг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини менсимаслик, хўжаободлик солиқчилар иш услубида якка-ягона эмас. Номи юқорида зикр қилинган Ш.Тожиматов ва шериги Р.Турғунов «Меърож» фирмасида текшириш ўтказиш баҳонасида, 9,5 минг сўмлик жарима қўллайдилар.

Прокуратура ушбу хўжалик можаросига ҳам қонуний нуқта қўйди. Инспекцияга юқоридаги молиявий жаримани тўлашни тўхтатиш ҳақида протест билдирилди.

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# Спорт оламида



*Шоҳмот*

## ТОПАЛОВ – КРАМНИК БИЛАН ЎЙНАМАЙДИ

Ўтган ҳафтада Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида ниҳояланган жаҳон чемпионати баҳсларида ғолибликни қўлга киритган болгариялик Веселин Топалов дунёнинг энг кучли шоҳматчисини аниқловчи яна бир учрашувда россиялик Владимир Крамник билан дона сурмаслигини билдирган.



— Йил давомида учта йирик турнирда ғолиб чиқишнинг ўзи бўлмайди,— дейди янги жаҳон чемпиони. Владимир Крамник замонамизнинг энг буюк шоҳмотчиларидан бири ва сўнгги ўн йилликнинг энг кучли ўйинчиларидан саналади. Бироқ , у ҳозир ФИДЕ рейтингида еттинчи ўринда бормоқда ва ўйлашимча менга қарши баҳс ўтказишга ҳақли эмас. Қачонлардир мен еттинчи ўринда бораётганимда, биринчи рақамли шоҳмотчига қарши дона суришни хаёлимга ҳам келтирмагандим.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирда Владимир Крамник анъанавий йўналиш бўйича жаҳон чемпиони саналади.

Топаловнинг айтишича, келаси йилнинг 1 январидан бошлаб, ҳозирда фаолият юритаётган шоҳмотчилар орасида у олий даражага эришади. Шу боис Крамникнинг натижалари жаҳон чемпиони билан ўйнашга имкон бермайди.

-Бизнинг орамиздаги рейтинг фарқи 60 пунктдан иборатдир. Бу шоҳмотда катта фарқ ҳисобланади. Агар Владимирга 60 пункт пастдаги гроссмейстер шундай таклиф билан чиққанда, у кулиб қўярди, холос. Мабода ўйнасак ҳам бу тижорат учрашуви бўлиши мумкин. Биз жаҳон чемпионлиги учун ўйнамаймиз, чунки мен уни қўлга киритиб бўлдим. Крамник беш йил муқаддам Каспаровни мағлубиятга учратгани боис Сан-Луисдаги турнирга таклиф этилганди. Аммо у турнирда қатнашишдан бош тортди. Шу сабаб у автоматик тарзда чемпионлик баҳси ўтказишдан маҳрумдир. Қосимжонов ҳақиқатдан ҳам жаҳон чемпиони эди ва у Сан-Луисдаги турнирда иштирок этишга рози бўлди,-дея баёнот берган Веселин Топалов.

Аввалроқ ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов баёнот билан чиқиб, Крамник ва янги жаҳон чемпиони ўртасида баҳс ўтказилиши мумкинлигини билдирган. Бу ўйиннинг асосий шарти сифатида россиялик гроссмейстер икки миллион долларлик мукофот жамғармасини кафолатлаши лозимлиги таъкидланган. Ана шунда балким жаҳоннинг мутлоқ чемпиони номи маълум бўлади.

*Теннис*

## ШАРАПОВА – МОДАЛАР КЎРГАЗМАСИДА ЧИҚАДИ



Шу йилнинг 21-23 декабр кунлари россиялик теннис юлдузи Мария Шарапова Японияда бўлиб, маҳаллий теннисчи Аи Сугиямига қарши учта кўргазмали ўйин ўтказади. Режага кўра, Осако, Нагое ва Токио шаҳарларида ўтадиган томошадан ташқари Шарапова, ўзи томонидан танланган ҳамда Японияда сотилаётган янги либослар тўплами ва қимматбаҳо тақинчоқларни намойиш этади.

## НАДАЛ -МАДРИДДА КОРТГА ТУШМАСЛИГИ МУМКИН

Кеча мадридда бошланган «Мастерс» туркумига кирувчи халқаро турнирда дунёнинг иккинчи рақамли ракеткаси Рафаэль Надал қатнаша олмаслиги мумкин. Бу ҳақда «Рейтерс» ахборот агентлиги маълум қилган. Бунинг сабаби, испан теннисчисининг тиззасида пайдо бўлган оғриқдир ва бу жароҳат туфайли у ўтган ҳафтадаги Вена турнирини ўтказиб юборганди.

-Бир неча машғулотлар ўтказганимда, тиззамда яна оғриқ пайдо бўлди. Ренгген текширувларида маълум бўлишича тиззамда кучли тенденит касаллиги мавжуд экан, -деган теннисчи.

Сўнгги ҳал қилувчи қарор теннисчининг врачлар билан маслаҳатлашувидан сўнг маълум қилинади.

*Футбол*

## БАРТЕЗ ЯНА «МАРСЕЛЬ» САФИДА

Уч кун мобайнида Европа яна катта футболдан нафас олади. Чунки энг нуфузли қитъа мусобақаси чемпионлар лигаси ҳамда УЕФА кубоги баҳслари яна давом этади.- Чоршанба ва пайшанба кунлари Россиянинг учта жамоаси УЕФА кубоги баҳсларида қатнашади.



Москванинг «Локоматив» жамоаси ўз майдонида испаниянинг «Эспаньол» жамоасини қабул қилса, Санкт-Петербургнинг «Зенит» жамоаси Португалиянинг «Витория» клубини қабул қилади. Пайшанба куни УЕФА кубогининг ўтган йилги ғолиби «ЦСКА» жамоаси франциянинг «Марсель» жамоаси билан майдонга тушади. Французлар жамоаси ўзининг кучли таркиби билан москвага ташриф буюради. Жамоа дарвозабони Фабьен Бартез ярим йиллик дисквалификациядан сўнг яна майдонга қайтди. Хабарингиз бор, у ҳакамни юзига туфургани учун жазога тортилганди. Айни кунларда дарвозабон франция чемпионатида чиройли ўйинлари билан мухлисларни хушнуд этяпди.

**А. ЮНУСОВ тайёрлади**

### «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастури – амалда

***Ғиждувон нафақат Бухоро вилоятида, балки Республикамиздаги энг донгдор туманлардан бири ҳисобланади. Ёш авлод таълим- тарбияси ҳамда уларнинг билим олишлари учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, туман халқ таълими бўлимига қарашли мавжуд 74 та мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган 4938 нафардан зиёд кичкинтой фарзандлар учун яратилган қулайликлар кўнгилга қувонч бахш этади.***

# МАФТУНКОР БЎЁҚЛАР ОЛАМИ

«Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури, «Оилада тиббий маданиятни ошириш ва аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларининг мақсадли дастури» асосида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги тиббиёт хонасини таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда зарур дори-дармонлар учун 20 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Боғчаларда овқатланишни талаб даражасида ташкил этиш, олинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, миқдори ва нархлари молия бўлими, халқ таълими бўлими ва бошқа идораларнинг доимий назоратида. Болалар соғлиғини муҳофаза қилишда ҳамшира ва ёш болалар озиқ-овқати мутахассислари мева ва сабзавотлар, гўшт, тухум, сарёғ ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан тайёрланган мураббо, сокларнинг таомномадан доимий ўрин олишини таъминлашмоқда. Боғчаларда тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотларининг сақланиш шароити яхши ташкил этилган. Фитобарларда гиёҳлардан тайёрланган дамлама, шифобахш чойлар ҳам болажонларнинг соғлом ўсишида омил бўлмоқда.

– Мактабгача таълим муассасаларининг барчасида тоза ичимлик суви мавжуд. Ёзги соғломлаштириш даврида болакайлар сув ҳавзаларида мириқиб чўмилишди. Кузги-қишки сув ҳавзаларини ташкил этиш ва болажонларни жисмонан соғломлаштириш учун барча боғчаларга топшириқлар берилди, – дейди туман халқ таълими бўлими услубчиси М.Норпўлатова. – Ёш авлоднинг спортга қизиқишини янада орттириш, уларни турли мусобақаларга жалб этиш учун боғчаларда ёзги ва қишки спорт майдончалари ташкил этилган. Болакайлар нарвончалар, қум халталари, арғумчоқ, обруч, мушак таёқчалар, шашка, резина тўплар билан ўз ёшларига доир спорт билан шуғулланишмоқда. Каратэ, кураш ҳамда шашка тўгараклари ташкил этилган боғчалар ҳам талайгина.

Кези келганда, 2-, 6- , 37-, 44-, 75-мактабгача таълим муассасаларида соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда таълим бўлими ҳомийлигида «Мафтункор бўёқлар олами» мавзусида ўтказилган кўрик-танлов ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Бу тадбир имконияти чекланган болакайлар ичидан иқтидорлиларини саралаш имконини яратган бўлса, «Ер куррасида тинчлик» расмлар танловида рассомчиликка меҳр қўйган болажонлар аниқлаб олинди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

**Ҳ.ҚОДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### Маънавиятимиз фидойилари

***«Маҳалла» жамғармаси ва республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган «Энг намунали диний, маърифий-маънавий, ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» мамлакат кўрик-танловининг якунловчи босқичида Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги «Лағмон» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Дилбар Ўринова мутлақ ғолиб деб топилди.***

# «ОПА, СИЗДА ГАПИМ БОР...»

– Опа, болаларнинг нафақа пуллари келдими?

– Сизга катта раҳмат. Хонадонимиздаги суҳбатингиздан сўнг оиламиз анча тинчиб қолди.

– Икки ёшнинг бошини қовуштирмоқчимиз, тўйнинг устида ўзингиз турасиз.

– Опажон, агар вақт топсангиз уйимизга бир кириб ўтинг, зарур гапларим бор эди.

Қишлоқ аёллари бироз тортинчоқ, андишали, айни пайтда ўз дардини ҳаммага ҳам «дастурхон» қилавермайди. Фуқаролар йиғинининг маслаҳатчиси уларнинг қалбидан жой олган. Ёшларга она, яна бирларига опа-сингил бўлиб, тўғри йўл кўрсатади. Элнинг корига яраш, ташвишига шерик бўлиш, ўксик дилларга ором бағишлаш, одамлар кўнглида саховат нурларини алангалатиш учун анча - мунча билим ва маҳорат, тажриба ва фидойилик талаб этилади. Бундай фазилатлар асл касби ўқитувчи бўлган, ўғил-қизларга 28 йил таълим-тарбия берган Дилбар Ўриновада мужассам.

Лағмон Қарши шаҳрига туташиб кетган боғлар бағрида жойлашган қадимий қишлоқ. Табаррук заминда Пайғамбаримиз саҳобалари Солмони Пок, хўжалар шажарасининг асосчиси Саид ота зиёратгоҳлари бор.

Ўтмишда бол таъмли мевалари, ҳусайни, маска, келинбармоқ навли сершира узумлари билан етти иқлимга довруғи кетган. Узумининг ширинлиги тан олиниб, XXI аср бошларида хорижда ўтказилган халқаро қишлоқ хўжалик кўргазмаларида олтин медал берилган.

Дилбархоннинг шаддод ёшлиги, яхши-ёмон кунлари шу мунаввар масканда ўтган. Қишлоқда бахтини топган деҳқон қизи Қарши Давлат университетида ўқишга кириб, педагоглик касбини эгаллади. Жамила номли мактабда ярим асрдан кўпроқ ишлаб, таълим-тарбия берди, муносиб шогирдлар тайёрлади. Беш нафар ўғил-қизнинг волидаси, ўндан ортиқ бир-бирида ширин-шакар набираларнинг бувиси.

Икки йил муқаддам нафақага чиққанидан сўнг маҳалла фуқаролар йиғинининг маслаҳатчиси этиб тайинланди.

Дилбархон ўз фаолиятини қишлоқдаги кам таъминланган, ногирон, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз аёлларга ғамхўрлик кўрсатишдан бошлади. Ҳомийлар ва тадбиркорлар томонидан муҳтож одамларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.

Бекор юрган ёш қизларни ишлаб чиқаришга жалб этиш мақсадида «Уста ва шогирд» йўналишида тўгараклар ташкил этилди. Ҳозирги кунда маҳаллий ёшларга Мавжуда Каримова, Гулноза Шарипова тикувчилик, Гулнора Қудратова зардўзлик, Лола Бекмуродова аёллар сартарошлиги, Шавкат Салоҳиддинов, Аваз Баҳриев қандолат маҳсулотлари тайёрлаш сирларини ўргатишаяпти. Элликка яқин киз касб эгаллаб, иш ўрнига эга бўлишди.

Қишлоқдаги 3250 нафар аҳоли 525 хўжалик ва 710 та оилага уюшган. Шундан 525 нафарини туғиш ёшидаги аёллар, 770 тасини вояга етмаганлар ташкил этади. Ҳар бир оиланинг ўзига яраша қувончу ташвишлари бор.

Маънавий-маърифий соғломлаштиришда маслаҳатчи фуқаролар йиғини раиси Қўзи Жўраев, котиба Дилором Норова, Овул кўчасидан кайвони аёл Сора Ражабова, муаллима Феруза Тошпўлатова, «Қуйи Лағмон» маҳалласидан Чаман момо Раҳматова, ўқитувчи Малоҳат Файзуллаева, Тор кўчасидан Сайёра Ҳамроева, «Қўрғонча» маҳалласидан муаллима Шоира Халилова, шифокор Рўзигул Остоновалар кўмагига таянган ҳолда иш олиб боради.

Маҳаллада кутубхона, шоҳмот-шашка, футбол, баскетбол тўгараклари ишлаб турибди. Янги турмуш қурадиган оилалар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилади. Ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда ёшлар тарбияси, гиёҳвандлик, паспорт тизими қоидаларига амал қилиш, жиноятларнинг олдини олиш хусусида суҳбатлар уюштирилади.

Тадбирлар самара бермоқда. Ўтган икки йил давомида оилалар ўртасида бирорта ҳам ажралиш ҳолати қайд этилмаган. Ҳар хил диний оқимларга тушиб қолган ёшлар йўқ. Вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир бўлмади. Муаммолар жойида ҳал этилганлиги туфайли юқори ташкилотларга ариза ва шикоятлар тушмаган.

Мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Фуқаролар йиғини ташаббуси билан 100 та ўқувчига бепул дарсликлар, 140 нафар кам таъминланган оила фарзандларига кийим-кечаклар олиб берилди. «Ота-оналар университети» машғулотларида болалар тарбияси билан боғлиқ мавзулар кенг ўрганилмоқда. Тўй-маъракалар тартибли, камчиқим ўтказилади.

Жамила номли илм даргоҳи «Мактаб ва маҳалла» кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида ғолибликни эгаллади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси Жавлон Асроров бошчилигида иккита футбол командаси тузилган. Спортнинг дзю-до кураши бўйича вилоят чемпионатида 9-синф ўқувчиси Асрор Йўлдошев кумуш медал билан тақдирланди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Инобат Каримова, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Умарова, Ертепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шамсиддин Қодиров, шоира Хосият Акромова, журналист Сайёра Зоирова, педагог Бўритош Носировалар аёллар билан тез-тез учрашиб туришади. Фаоллар томонидан ўтказилган «Терроризм – аср вабоси», «Ижтимоий муҳитни соғломлаштириш», «Аёлнинг оиладаги ўрни», «Никоҳ муқаддас ришта», «Қонунлар халқ қалбида», «Ҳарбий хизмат – муқаддас бурч», «Қайнонам, онам менинг», «Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик» мавзуидаги учрашувлар ёшлар қалбида ўчмас из қолдирди.

Яқинда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларидан 41 нафари маҳалла гузарига чақирилди. Катта дошқозонда ош дамланди. Ногиронларга қимматбаҳо совғалар тарқатилди. Энг муҳими, боқувчисини йўқотган ёлғиз қарияларнинг хонадонларига бориб, кўнгил сўралди. Олиҳиммат тадбиркорлар Парда Аминов, Отамурод Камолов, Улуғбек Олимов, Парда Асроровлар ногиронлардан ўз саховатларини дариғ тутмадилар.

Маҳаллада баркарор диний ва маънавий, ахлоқий муҳитни таъминлаш, фуқароларда диний бағрикенглик, ўзаро биродарлик туйғуларини шакллантириш, маҳалла ва аҳоли ўртасида носоғлом диний ғоялар таъсирига тушиб қолган оилалар билан алоҳида иш олиб бориш, хотин-қизларнинг ижтимоий бандлигини таъминлаш, жамият бошқарувидаги ролини янада оширишдаги самарали меҳнатлари инобатга олиниб юқоридаги республика кўрик-танлови ғолиби Дилбар Ўринова Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви ва Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Ҳар гал маҳаллага кириб борганингизда сизни одмигина кийинган, камтар, хушмуомала аёл кутиб олади. Опа ҳудуддаги аҳволни, ҳар бир оиладаги шароитни яхши билади. Саволларингизга аниқ ва лўнда жавоб қайтаради. Бундай қалби дарё, меҳри дунё аёларимиз бор экан, тинчлик, осойишталик, аҳиллик ва иноқлик ҳукм сураверади.

**И.ҚАРШИЕВ**



## ХУСУСИЙ СЕКТОРГА

Республикамиз пойтахтида фаолият кўрсатаётган бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази хусусий секторни юзага келтиришда яқиндан ёрдам бермоқда. Бу таълимий даргоҳда кўплаб тадбиркор ва ишбилармонлар ўз билим ва малакаларини ошириб, бизнес соҳасидаги кўникмаларини ҳосил қилдилар.

Мазкур йирик марказ иш бошлаганига ўн йил бўлди. Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш «Бизнес-фонд» жамғармаси, тадбиркор аёллар республика уюшмаси муассислигида иш юритаётган бу даргоҳ ўзининг мустаҳкам ўқув негизига эга. Бу ерда 60 дан ортиқ ўқитувчи-тренер ва экспертлар машғулотлар олиб боришмоқда. Масофавий ўқитиш таълими ҳам йўлга қўйилди. Ўқитиш жараёнларида аудио ва видеотехникалардан, техника воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Марказда теле-ва радиостудиялар, хусусий мўъжаз босмохона ҳам ишлаб турибди.

## ИНСТИТУТДА СТАНДАРТЛАШ МАРКАЗИ

Тошкент фармацевтика институти олимлари изланишларини амалиётга кенг татбиқ этиш соҳасида қатор ибратли ишларга қўл уришди. Олий ўқув юртида доривор воситаларни стандартлаш марказининг ташкил этилиши айни муддао бўлди.

Дори-дармонлар тайёрлаш сифатини назорат қилишда ҳам бу марказ амалий аҳамият касб этади.

Амалий фаолиятнинг бу янги йўналиши космецевтика бўйича янги стандартлар тайёрлаш учун ҳам мустаҳкам техник негиз яратди. Эндиликда атир-упа препаратлари технологияси бўйича ҳам стандарт ҳужжатларини тавсия этиш имкони юзага келди. Айни вақтда иқтисод, техника, тиббиёт соҳалари билан аралаш мутахассислар тайёрлаш тадбирлари кўрилмоқда.

## КАФЕДРАГА АРМУҒОН

Мамлакатимизда «Ўрта Осиё рус шеърияти» деган шиор остида халқаро фестивал ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу сафарги бундай нуфузли маданий анжуман Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилди.

Бўлажак адабиётшунос ва журналистлар учун уюштирилган бу фестивалда «Янги ёшлик» журнали меҳмон бўлди. Россияда чоп этилиб, ўз саҳифаларида истеъдодли шоирлар асарларини ёритиб келаётган мазкур матбуот органининг бугунги ижодий режалари ҳақида гап борди. Янги таниқли архитектор Синамга бағишланган роман муаллифи ҳам сўзга чиқди.

Яқинда нашр этилган «Синамнинг китоби» асари эсдалик учун университетнинг рус тили ва адабиёти кафедрасига тортиқ қилинди.

**А.АЛИЕВ тайёрлади**

# ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

### Эҳтиром

Дардни бошидан ўтказган табиб, деганларидек жонинг оғриб ёки яқинларингнинг бетоблиги сабаб шифокорларга ишинг тушганда, уларнинг қадрини янада теранроқ тушуниб етаркансан киши.

Гап шундаки, укам Исмат Шарипов қандли диабет хасталиги билан анчадан бери азоб чекарди. Кўплаб ҳакимлар маслаҳатини олдик, шифохоналарда узоқ даволанди. Натижаси бўлавермагач, республика шошилинч тиббий илмий ёрдам Марказининг Жиззах филиалига олиб келдик. Шифохонадаги осойишталиги, тиббиёт ходимларининг меҳр тўла нигоҳлари, энг муҳими, малакали тиббий хизмат укамнинг дардига малҳам бўлди. Айниқса, торапол жарроҳлик бўлими бошлиғи, олий тоифали жарроҳ Норпўлат Норқўзиевнинг саъй-ҳаракатлари билан 20 кунда укам оёққа турди. Мутахассисларнинг тавсияси бўйича жароҳат олган қўлни кесиб ташлаш керак эди. Норпўлат Узоқович эса ўз билими, иқтидори билан эзгу ишни уддасидан чиқди. Укамнинг қўли омон қолди. Миннатдорчилигимизни қай тарзда баён этишни ҳам билмайман. Нафақат укам, оиламиз номидан шифокорларга, айниқса, жарроҳ Н.Норқўзиевга минг раҳмат, деймиз.

**Н.ШАРИПОВА,**
**Нарпай туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгашининг раиси**

# ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНИ

***Олтинкўл туманининг кутубхоначиси Арофатхон Аҳмедова Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов асарлари билимдони кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлди.***

*Танлов ташкилотчиларининг фикрича, давлат раҳбарининг асарларида жамиятимиз халқ-хўжалиги, ижтимоий-маданий ҳаётида содир бўлаётган ислоҳотлар чуқур тушунтирилиб берилади. Мазкур асарларни ўқиган одам ўзи излаган саволларга жавоб олади. Шунинг учун ҳам Президент асарлари кенг тарғиб қилинмоғи лозим. Бу долзарб ишни аввало, ҳар доим фуқаролар билан мулоқотда бўлувчи кутубхоначилардан бошламоқ зарур. Кутубхоначилар Юртбошимиз асарларини бошқаларга қараганда яхшироқ билишлари шарт.*

*Бундай кўрик танловлар Андижон вилоятида турли ташкилотлар ходимлари, олий ўқув юрти ва касб ҳунар таълими муассасалари талабалари ҳамда мактаблар ва кутубхоначилар ўртасида мунтазам равишда ўтказилиб борилади.*

Навоий вилоятида, спортнинг бошқа турлари каби, бадиий гимнастика ҳам оммалашиб бормоқда. Шаҳар ва туманларда, ҳатто чекка қишлоқларда ҳам ўндан зиёд бадиий гимнастика секциялари ишлаб турибди. Мамлакат терма жамоасида ҳам навоийлик спортчилар кўпчиликни ташкил этиши бежиз эмас.

## «НАФОСАТЛИ НАВНИҲОЛЛАР»

Бадиий гимнастика бўйича ўтказилган «Нафосатли навниҳоллар» турнири бу борада вилоятда амалга оширилаётган ишларнинг узвий давоми бўлди. Мусобақада Навоий кон-металлургия комбинатининг Тошкент, Зарафшон, Навоий, Учқудуқ, Зафаробод шаҳарларидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари вакиллари бўлган 50 нафарга яқин ёш гимнастикачи қизлар қатнашди.

Мусобақани ўнта медаль билан якунлаган навоийлик гимнастикачилар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Тошкентлик қизларга иккинчи, учқудуқликларга учинчи ўрин насиб этди.

Мусобақа сўнгида тўрт босқичли амалий-назарий семинарни муваффақиятли якунлаган 13 нафар жисмоний тарбия ўқитувчисига мураббий-устозлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

# СКАНВОРД




Фозилжон ОРИПОВ тузган

З.Бобур номидаги Андижон давлат университетида Қозон шаҳрида ўтказилган белбоғли кураш бўйича IV жаҳон чемпионати совриндорлари иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

## БЕЛБОҒЛИ КУРАШ БЎЙИЧА ЧЕМПИОНАТ

Мазкур чемпионатда 44 давлатдан энг кучли полвонлар ўзаро беллашишди. Ўзбекистон терма жамоаси Россия ва Татаристон жамоаларидан сўнг учинчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон терма жамоаси таркибидаги Андижон давлат университи талабалари Зоҳиджон Жумақулов ва Шуҳратбек Исоқовлар кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланди.

Курашнинг бу тури бўйича V жаҳон чемпионатини Тошкентда ўтказилиши режалаштирилмоқда.

**"Туркистон-пресс"**

## ОММАЛАШГАН ФИЛЬМ

Истеъдодли кинорежиссёр Юсуф Розиқов томонидан экранлаштирилган бадиий фильмлар томошабинларга манзур бўлмоқда. Унинг "Дилхирож" деб номланган картинаси эса халқаро доирада энг яхши ижод намуналаридан бири деб баҳоланди.

Бу экран асари япониялик кинсеварларга ҳам жуда манзур бўлди. Шунинг учун ҳам Япония кино музейи "Дилхирож"ни ўзининг ноёб экспонат-фильмига айлантиришга қарор қилди. Соф севги ва муҳаббатни таранкум этувчи бу фильм эндиликда мазкур машҳур музейнинг мулки сифатида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, оммалашган бу кинотасма Германия ва Франция телекомпаниялари томонидан ҳам сотиб олинди.

## ОРКЕСТРНИНГ АЖОЙИБ КОНЦЕРТИ

Машҳур композитор Чайковский ижодига бағишлаб ўтказилаётган халқаро мусиқа фестивали доирасида республикамизда ҳам маданий тадбирлар амалга оширилмоқда. Мусиқа санъати ижодкорлари учун жиддий синов бўлаётган бу кўрикка "Сўғдиёна" халқ чолғу асбоблари камер оркестри ҳам пухта тайёргарлик кўрди.

Янги ҳозирланган концерт дастуридан севимли композиторнинг қатор асарлари ўрин олди. Камер асарлари намуналари ҳам томошабинларга тақдим этилди.

Шуниси эътиборга сазоворки, мазкур мусиқали кечада янграйдиган тароналар халқ чолғу асбоблари ёрдамида ижро этилади.

Тошкент шаҳар адвокатлар Президиуми томонидан Собир Раҳимов туман адвокатураси адвокати Саодат Боллиевага тегишли 16.06.2002 йилда № 083 рақами билан берилган адвокатлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**бекор қилинади.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 12345